56. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотишдан тушган, хўжалик бошқаруви айрим органлари устав фондини шакллантириш учун берилган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида» 2007 йил 25 сентябрдаги 202-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

илова номидаги «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Уларнинг устав фондидан чиқарилаётган давлат активларини сотиш ҳуқуқини Давлат мулки қўмитасига бераётган хўжалик бошқаруви органлари номи» устуни номидаги «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 2-бандининг «Илгари хўжалик бошқаруви органлари устав фондига берилган давлат активларини сотишдан тушган маблағларни йўналтириш» устундаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти тўғрисидаги низом 7-бандининг тўққизинчи хатбошидаги «монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 4 мартдаги 36-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 7-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 6 ва 7-бандлардаги, 8-банднинг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги, 10, 12, 13, ва 14-бандлардаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 7-сон, 38-модда):

а) 2-илованинг 9 ва 17-бандларидаги «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитаси» ва «Давлат рақобат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

«Ф.М. Хабиёв — Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари, Комиссия раиси» сўзлари «Б.Б. Назаров — Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари, Комиссия раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«А.Р. Нагаев — Давлат мулки қўмитасининг Баҳолаш ва биржа фаолияти бошқармаси бошлиғи» сўзлари «Э.А. Тошпўлатов — Давлат рақобат қўмитасининг Баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида» 2008 йил 22 августдаги 189-сон қарорига иловада:

а) Мусаев Д.О. — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг раиси» сўзлари «Гафаров С.Х. — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Исмоилов Ж.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин.

61. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й.. 12-сон, 67-модда) билан тасдиқланган Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарлар сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги 288-сон қарорига 1-иловадаги «Исмоилов Ж.Ф. — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Абдуҳакимов А.А. — Давлат рақобат қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича мурожаатларини Комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида» 2009 йил 20 январдаги 16-сон қарорига иловада:

а) Мусаев Д.О. — Давлат мулки қўмитаси раиси» сўзлари «Гафаров С.Х. — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Исмоилов Ж.Ф. — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 8-модда):

а) 1-илова 2-бандининг бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-бандда:

еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» сўзлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

64-банднинг учинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

2-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 4-иловада:

1-бандда:

иккинчи хатбошига «ер участкаларини» сўзларидан кейин «(шу жумладан якка тартибда уй-жой куриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини)» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб аталади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг» ва «ҳудудий бошқармалари» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитасининг» ва «ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Давлат рақобат қўмитаси ва ваколатли бошқа органлар томонидан баҳолаш ташкилотлари давлат активларини баҳолашда йўл қўйган қонун бузилишлари аниқланган тақдирда илгари сотилган давлат активлари қийматига қўшимча тўлов суммалари, шунингдек давлат активларини сотишда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун неустойка суммалари»;

2-бандда:

биринчи ва бешинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитаси» ва «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Ушбу бандга мувофиқ маблағларни тақсимлашда:

давлат активларини сотишдан тушган (шу жумладан пенялар ва жарималар, шунингдек протоколни ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган ёки уни рад этган аукционлар ёки танловлар (тендерлар) голибларидан ушлаб қолинган закат суммалари), ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар уларга давлат активи жойлашган жой бўйича йўналтирилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган давлат активи сотилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади;

Давлат рақобат қўмитаси томонидан илгари берилган кредитлар ва қарзлар бўйича олинган кредитлар (қарзлар)нинг асосий суммаларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни (шу жумладан пенялар ва жарималарни) қайтариш тарзида қарз олувчилардан тушган, ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар уларга қарз олувчи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича йўналтирилади. Қарз олувчилар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтказилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади;

улав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатишдан тушган, ушбу бандга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар уларга тугатилаётган хўжалик жамияти жойлашган жой бўйича йўналтирилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган хўжалик жамиятлари тугатилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади;

Давлат рақобат қўмитасининг суб ҳисоб рақамидан қайтарилган, ишонч-

ли бошқарувчилар томонидан талаб қилинмаган, шу жумладан хусусийлаштириш умумий маблағларидан илгари ўтказилган маблағлар қайтарилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади;

суд қарорларига кўра тушган, ушбу банднинг еттинчи — ўнинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар даъво предмети бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли бўлган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади»;

3-банддаги, 17, 18, 22 ва 24-бандлардаги «Давлат мулки қўмитасининг» ва «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитасининг» ва «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда хусусийлаштиришдан тушган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга ўтказилиши лозим бўлган валюта маблағлари сотиб олиш тўловлари (шу жумладан ҳисобланган тақдирда — пенялар) тўлиқ тўлангандан кейин мажбурий тарзда сотилади ҳамда кўрсатиб ўтилган мақсадларга миллий валютада йўналтирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса»;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг» ва «Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитасининг» ва «Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда аниқ давлат активларини сотишдан тушган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар сотиб олиш тўловлари (шу жумладан ҳисобланган тақдирда — пенялар) тўлиқ тўлангандан кейин мажбурий тарзда сотилади ҳамда кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса»;

5-1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Давлат активларининг олди-сотди шартномаси бекор қилинганда:

ушбу шартнома бўйича тўланган маблағларни қайтариш тўланган маблағлардан пенялар ва жарималар суммасини ушлаб қолган ҳолда шартнома

шартларига мувофиқ амалга оширилади, суднинг қарорида ёки шартнома томонларининг алоҳида битимида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса;

пенялар ва жарималар суммасини тақсимлаш мазкур шартнома бўйича илгари тўланган маблағлар Давлат рақобат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида ёки унинг ҳудудий органларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамида мавжуд бўлганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар Давлат рақобат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ёки унинг ҳудудий органларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамига қайтарилганда (ундирилганда) ушбу бандга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳисобланган пеня ва жарималар суммасининг етишмаётган қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади ҳамда ушбу бандга мувофиқ тақсимланади.

Хорижий валютада тузилган ва улар бўйича тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича амалга оширилган белгиланган тартибда бекор қилинган давлат активларининг олди-сотди шартномалари бўйича пеня ва жарима Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг шартномани бекор қилиш юзасидан суднинг қарори кучга кирган кундаги, бошқа ҳолларда эса шартнома белгиланган тартибда бекор қилинган кундаги курси бўйича ҳисобланади»;

6-бандда:

учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг», «унинг ҳудудий бошқармаларининг» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитасининг», «унинг ҳудудий органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Давлат рақобат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамидан ҳамда унинг ҳудудий органларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамидан суд қарорлари асосида амалга оширилган харажатлар.

Белгиланган тартибда бекор қилинган, тўлов хорижий валютада ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилган давлат активларининг олди-сотди шартномалари бўйича маблағларни қайтариш харидорнинг розилигига кўра, хусусийлаштириш умумий маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайтариш кундаги курси бўйича миллий валютада белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6-1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси (унинг ҳудудий бошқармалари)» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси (унинг ҳудудий органлари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлан-

тириш муаммоларини тадқиқ қилиш маркази» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва корпоратив бошқарув муаммолари тадқиқотлари маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи, олтинчи ва тўққизинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

«бўлган маблағлар» сўзларидан кейин «мазкур давлат активларининг тузилган ва бекор қилинган олди-сотди шартномалари бўйича пеня ва жарималар суммасини, шунингдек» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда давлат мулкининг олди-сотди шартномаси бекор қилинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадлар учун илгари ўтказилган маблағлар Давлат рақобат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ёки унинг ҳудудий органларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамига қайтарилиши (Давлат бюджетига, давлат бошқаруви органларига ва/ёки бюджет ташкилотларига йўналтирилган маблағлардан ташқари) ва ушбу Низомга мувофиқ тақсимланиши керак»;

8-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг», «Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг» ва «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасининг», «Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг» ва «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг», «Давлат мулки қўмитасига», «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг», «Давлат рақобат қўмитасига», «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Давлат мулки қўмитасининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасининг ва унинг ҳудудий органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасининг ва унинг ҳудудий органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Сотиб олинаётган давлат активлари учун тўланган маблағлар биринчи навбатда асосий қарз ҳисобига ўтказилади, тўлов муддатларини ўтказиб юборганлик учун ҳисобланган пеняларни тўлаш сотиб олиш тўловлари бўйича асосий қарз тўлиқ қоплангандан кейин ўтказилади»;

12-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасининг» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари», «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат

мулки қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари», «Давлат рақобат қўмитаси» ва «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» сўзлари билан алмаштирилсин;

III бўлим номидаги «Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 2-бандидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда):

а) 2-банднинг еттинчи хатбошидаги ва 3-банднинг учинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-банднинг учинчи хатбошидаги, 10-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошидаги, 12-банднинг биринчи хатбошидаги, 14-бандидаги, 33-банддаги «Давлат мулки қўмитасининг», «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитасининг», «Давлат рақобат қўмитаси» ва «Давлат рақобат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) 1-илованинг «Масъуллар» устунида:

а) 9-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12 ва 14-бандлардаги «Давлат мулки қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси, Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги 186-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш функцияларини бажарадиган хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторларни танлов бўйича танлашни ўтказиш тўғрисидаги низом 6-бандидаги, 13-банднинг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳар ҳокимлигининг муниципал мулк объектларини сотиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 30 августдаги 253-сон қарори 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 7 сентябрдаги 256-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 декабрдаги 322-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Мол-мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Давлат мулки қўмитаси» деб юритилади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4, 5, 24, 26 ва 27-бандлардаги «Давлат мулки қўмитасининг», «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитасининг», «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида» 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон қарори 4-бандидаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 12-сон, 84-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб аталади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7 ва 11-бандлардаги, 12-банднинг биринчи хатбошидаги, 14-банддаги ва 17-банднинг иккинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг», «Дав-

лат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитасининг», «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-иловада:

а) 10-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

« 10. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар	2,5
	Давлат активларининг олди-сотди шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пенялар ва жарималар суммаси	50
	Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириладиган жарималар ва маблағлар суммаси	20
	Мулкида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёхуд ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун мансабдор шахслардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат рақобат қўмитаси томонидан ундириладиган жарималар суммаси	80
	Баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаганлик учун, шунингдек баҳоловчига малака сертификати берганлик (малака имтиҳонидан ўтганлик) ва малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтирганлик (жумладан қайта расмийлаштирганлик ва дубликат берганлик) учун, суд бошқарувчисининг аризани кўриб чиққанлиги ва аттестат берганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириладиган йиғимлар суммаси	100
	«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ундириладиган жарималар суммаси	15
	Давлат тасарруфидан чиқариш (хусусийлаштириш) буюртманомалари кўриб чиқилганлиги учун махсус йиғимлар суммаси	100

»;

б) 14-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 22-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш механизмини тако-

миллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 21 июлдаги 154-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 38-модда):

а) 2-банддаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банднинг учинчи хатбошидаги, 6-банддаги, 24-банднинг «в» кичик бандидаги, 25-банддаги, 32-банднинг «б» кичик бандидаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

I бўлимда:

«Маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари бўйича ташаббус кўрсатиш» кичик бўлимидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш» кичик бўлимидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимдаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

76. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика уй-жой фондининг кўп квартиралари уйларида лифт асбоб-ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 29 августдаги 191-сон қарори 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 27-бандининг биринчи хатбошидаги ва 47-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

78. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 70-модда) билан тасдиқланган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун лойиҳаларни кўриб чиқишда ички бозорнинг мамлакатимизда

ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси деб аталади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги, 9-банднинг биринчи хатбошидаги, 10 ва 11-бандлардаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 16 февралдаги 34-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 8-модда) 3-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

80. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-илованинг 340-коди позициясидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

81. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган Замонавий, жаҳон даражасида синаб кўрилган асбоб-ускуналар ва технологиялар билан алмаштирилиши керак бўлган технологик асбоб-ускуналар ва технологиялар рўйхатини аниқлаш бўйича техник аудитни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловада:

а) «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Давлат мулки қўмитаси вакили» сўзлари чиқариб ташлансин.

82. Вазирлар Маҳкамасининг «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 31-модда):

а) 1 ва 4-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси», «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси», «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

2-банддаги, 8-банднинг «л» кичик бандидаги, 11 ва 14-бандларнинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига», «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси» «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасига», «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банднинг иккинчи хатбошидаги «хисоб рақамига» сўзлари «бюджетдан ташқари жамғармага» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банднинг иккинчи хатбоши «Лицензия дубликатларини беришда» сўзларидан кейин «лицензияловчи органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига киритиладиган» сўзлари қўшилсин;

иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

83. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида доимий фойдаланиш учун ва узок муддатли ижарага ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом 10-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«танлов ташкилотчисини тавсия этиш тўғрисидаги илтимос билан Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органига мурожаат қилади. Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи уч кун мобайнида танлов ташкилотчиси номини туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этади».

84. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

85. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорига 1-иловага ўзгартиришлар рус тилида берилган.

86. Вазирлар Маҳкамасининг «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 89-модда) 6-бандидаги «Монополиядан чиқариш» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.

87. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги 32-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулоса-

лар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6 — 9-бандларидаги ва 4-иловадаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси», «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Давлат рақобат қўмитаси», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

88. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий муассасалари тузилмаларини янада мақбуллаштириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 7 февралдаги 33-сон қарори 5-бандининг биринчи ва учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

89. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 февралдаги 37-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида яқка тартибда уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг саккизинчи хатбошидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

90. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида аҳолига ва бюджет ташкилотларига қўмир сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 29 февралдаги 58-сон қарорининг 5-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

91. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларининг 9-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

92. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 20 апрелдаги 117-сон қарорида:

а) 2-банддаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 3.1.6-бандининг «Масъул орган» устундаги «Монополия-

дан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

93. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш ва республика минтақаларида уларга сервис хизмати кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 2 майдаги 126-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 31-модда) 3-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

94. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари аҳолисини кўмир билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги 305-сон қарорига 1-илованинг 2-бандидаги «Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни ҳамда Рақобатни ҳимоя қилиш ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятига доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режасини тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 26-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига илованинг 19-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 34-модда).